

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2018
Декабрь

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

А.ЎРИНОВ, А.СОТВОЛДИЕВ Параболо - гиперболик типдаги модель тенглама учун учинчи чегаравий шартли нолокал масала	5
Э.МАДРАҲИМОВ, М.МИРЗАКАРИМОВА Математик статистика таҳлил қилиш усулининг бир масаласага татбиғи	11
Д.ОРИПОВ Қаср тартибли бир оддий дифференциал тенглама учун локал ва нолокал масалалар	17
М.АБДУМАННОПОВ Мавҳум аргументли бессель функцияси қатнашган ўзгармас коэффициентли интегро-дифференциал тенглама учун интеграл шартли масала	21

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

Р.Х.МАКСУДОВ, А.ДЖУРАЕВ, Ш.ШУХРАТОВ Пахта тозалаш агрегатининг аррачали барабан секцияси конструкциясини ишлаб чиқиш	25
М.НАБИЕВ, К.ГАЙНАЗАРОВА, Я.УСМОНОВ, И.ЮЛДОШЕВА Сезгир элементлардаги термоэлектрик тармоқлар сифатида қўлланиладиган <i>n-PbTe</i> пардалар баъзи хоссаларининг экспериментал тадқиғи ва уларни тузатиш	32

КИМЁ

А.ИБРАГИМОВ, А.ИБРОХИМОВ <i>Nitragia</i> индолли алкалоидлар ва уларнинг сунъий аналоглари физиологик фаоллигининг кимёвий структурага боғлиқлиги	36
---	----

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

Р.КУЗИЕВ, Г.ЮЛДАШЕВ Ўзбекистоннинг баланд тоғли тупроқлари қоплами	39
М.ИСАҒАЛИЕВ, Х.АБДУХАКИМОВА, М.ОБИДОВ Суғориладиган ўтлоқи саз тупроқлар геокимёси	43
В.ИСАҚОВ, У.МИРЗАЕВ Арзиқ-шухли ўтлоқи саз тупроқларнинг суғориш таъсиридаги динамикаси	47

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

А.ҒОФУРОВ, Г.ХОЛМАТЖОНОВА Даромадлар ва аҳолининг банкдаги пул жамғармалардан манфаатдорлигини ошириш муаммолари	51
--	----

ТАРИХ

Т.ЭГАМБЕРДИЕВА, И.СИДДИҚОВ, А.НИШОНОВ Диний бағрикенгликни таъминлаш борасида Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ҳамкорлиги	55
Ж.ҲАЙИТОВ Туркистонда манзарали дарахтлар янги турларининг тарқалиш тарихи (XIX аср охири - XX аср бошлари)	61
Н.РЕЖАББОЕВ Фарғона очларига ёрдам (1923-1924 йиллар)	64
З.РАХМАНОВ, М.ХОМИДЖОНОВА Қадимги Фарғонанинг маданиятларини даврлаштириш борасида айрим фикр-мулоҳазалар	69

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

Б.ГАНИЕВ, С.ЭВАТОВ, М.НЕЪМАТОВА Имом Бухорий ҳадисларидаги ахлоқ-одоб қоидаларининг тадбиркорлик маданиятига алоқадорлиги	74
А.КОМИЛОВ Ёшлар турмуш маданиятини юксалтиришда таълим-тарбиянинг ўрни	77

АДАБИЁТШУНОСЛИК

С.ХЎЖАЕВ “Панчатантра” эпоси ва ўзбек адабиёти	80
--	----

УДК: 130+006.2+371.044.4

ЁШЛАР ТУРМУШ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ ЎРНИ**А.Комилов****Аннотация**

Мақолада таълим-тарбия ёшлар турмуш маданиятининг асосий элементи эканлиги эътироф этилган. Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида ёшлар таълим-тарбия масаласи олиб борилаётган услохотларнинг устувор йўналишларидан бири эканлиги илмий-фалсафий таҳлил этилган.

Аннотация

В статье констатируется, что воспитание и обучение являются основным элементом культуры быта молодёжи. Проведён научно-философский анализ места воспитания и обучения молодёжи на новом этапе развития нашей страны как одного из приоритетных направлений проводимых реформ.

Annotation

The article states that education is the main element of the everyday culture of young people. The scientific and philosophical analysis of the fact that the education of young people at the new stage of development of our country is one of the priorities of the reforms are carried out.

Таянч сўз ва иборалар: жамият, таълим-тарбия, ёшлар, маданият, онг, қалб, гоя, мафкура, ватанпарварлик, инсонпарварлик, миллатпарварлик.

Ключевые слова и выражения: общество, воспитание и обучение, молодёжь, культура, сознание, душа, идея, идеология, патриотизм, гуманизм, народолюбие.

Keywords and expressions: society, education and upbringing, youth, culture, consciousness, soul, idea, ideology, patriotism, humanism, love of people.

Халқимизнинг асрлар оша яшаб келаётган анъаналарига мувофиқ равишда, бугунги кунда жамиятимизнинг катта қисмини, яъни 60 фоизидан кўпроғини ташкил этаётган ёшлар тарбиясига мамлакатимизда жуда катта эътибор берилмоқда.

Катта умид, орзу-мақсадлар билан Ватаним тараққиётига ҳисса қўшаман, деб белини маҳкам боғлаб майдонга чиқаётган, азму шижоатли ёшларимизни ҳар томонлама қўллаб-қуватлаш барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки бурчимизга айланиши керак [1.235], деган эди биринчи Президентимиз Ислон Каримов.

Бугунги глобаллашув даврида маълум бир манфаатдор инсонларни, айниқса ёшларни жисми учун эмас, балки қалби ва онги учун кураш олиб бораётганликларини кўришимиз мумкин.

Бу шафқатсиз кураш бугунги кунда гоявий, мафкуравий ва информацион хуружлар воситасида ёшлар қалби ва онгини эгаллаш учун турли диний, синфий, шовинизм каби вайронкор ғоялардан фойдаланмоқдалар. Муқаддас дин, миллий ғурур каби нозик ҳис-туйғулар динни ниқоб қилиб олган экстремистик кучлар ва террорчилик ташкилотлар томонидан вайрон этувчи кучга айлантирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессияси юксак минбаридан туриб: “Халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга жаҳолат ва

муросасизлик ташкил этади, деб ҳисоблайман.

Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир.

Экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилмоқда” [2.252], деб яна бир бор ёшлар масаласи долзарб эканлигига жаҳон ҳамжамиятининг диққат эътиборини қаратгани бежиз эмас.

Ҳақиқатан ҳам ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатаётган гоявий, мафкуравий ва информацион хуружларга қарши курашиш мамлакатимизда ёшлар давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Шундай экан, мамлакатимизда ёшларнинг маънавий-марифий камолоти таълим-тарбия билан боғлиқ бўлиб, таълим-тарбия жараёнисиз баркамол авлод тўғрисида сўз бўлиши мумкин ҳам эмас.

Шунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунида белгиланганидек, “ёшларга оид давлат сиёсати - давлат томонидан амалга ошириладиган ҳамда ёшларни ижтимоий жиҳатдан шакллантириш ва уларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш учун шарт-шароитлар яратилишини назарда тутадиган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий чора-

А.Комилов – ФарДУ фуқаролик жамияти кафедраси катта ўқитувчиси.

тадбирлар тизими”[3.4]дир. Яъни давлат томонидан ёшлар сиёсатининг амалга оширилиши, биринчидан, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини камол топтириш учун шарт-шароит яратиш бўлса, иккинчидан яна шу яратилган шарт-шароитларни давлат томонидан ижтимоий-иқтисодий ҳамда энг муҳими ҳуқуқий кафолатланишидир.

Ёшлар аввало ўзларини ким ва кимнинг авлодлари эканлигини амалда намойиш қилиши ҳамда ўзини англаши керак. Шундай, экан биз ўз тарихимиз билан, буюк аждодларимиз билан ғурурланишимиз лозим.

Миллий-маънавий тарбиянинг асосий мақсади – ёш авлодни ватанпарварлик, инсонпарварлик, миллатпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий ғурур туйғусини кучайтириш, иймон, виждон, ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик, ишбилармонлик сингари хислатларни шакллантириш орқали онгли фидойи авлод вакилларига айлантиришдан иборатдир.

Миллий-маънавий тарбиянинг асосидан миллий тарбия келиб чиқади. Миллий тарбия, деб у ёки бу миллатни, элатни, этносни ташкил қилувчи кишиларнинг миллий маданий меросини, қадриятларини, урф-одатларини, анъаналарини ўзлаштириш ва давом эттиришдаги фаолиятини ривожлантириш бўлиб, у миллий онг ва миллий ўзликни англашнинг субъектидир, деб ҳисобласак, миллий тарбиянинг асосий йўналишларини эса миллатпарварликни, халқпарварликни, ватанпарварликни, меҳнатсеварликни, юксак инсонийликни ривожлантириш, миллий меросни, урф-одатни, қадриятларни, фан, техника, технологияларни ўзлаштиришга интилишни ривожлантириш, меҳр-оқибат, иймон-эътиқод, ор-номус, инсоф-диёнат, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг моҳиятини англаб етиш ва унга амал қилиш руҳиятини шакллантириш белгилаб беради.

Бизнингча, миллий тарбиянинг асосини ота-она, қариндош-уруғларнинг ҳурматини жойига қўйиш, оиланинг муқаддаслиги туйғуларининг баркамол бўлишига эришиш, ўзаро муносабатларда ёнма-ён яшаётган ўзга миллатлар ва элатлар вакилларининг манфаатларини ҳисобга олиш қабилар ташкил этиши керак. Бу ўринда ҳеч бир халқ ёки миллатда бўлмаган, олий демократия мактаби ҳисобланмиш ўзбек маҳалласини ёшлар таълим-тарбиясидаги ўрнини келтиришимиз мумкин.

1997 йил 27 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида “Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисида”ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди. Бу

муҳим давлат ҳужжатлари мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш миллий моделининг ички механизмини асослаб, уни рўёбга чиқаришнинг ҳуқуқий-меъёрий асосини ташкил қилади. Дастур кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқаришни, ҳар томонлама камол топган, жамият турмушига мослашган, таълим ва касб-ҳунар дастурларини онгли равишда танлаш ва пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, педагогик-психологик каби шароитларни яратишни, жамият, давлат ва оила олдидан ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутди. Биринчи Президентимиз айтганларидек, “Мана шунинг учун ҳам бугунги кунда биз бу масалага жиддий эътибор бермоқдамиз. Шунинг учун ҳам бу мақсадга қаратилган лойиҳалар жамоатчилигимиз диққат-эътибори марказига бўлмоқда, тарбия соҳаси ислоҳоти бугунги энг долзарб, эртанги тақдиримизни ҳал қилувчи муаммога айланмоқда. Ёшлар макон ва замонда яшамоқда, бу ҳол улардан сезгирликни ва жасоратли курашни талаб қилади. Бу доимий диалектик жараён.

Энди лўнда қилиб айтганда, бугунги кунда олдимишга қўйган буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгиланиши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи амалга оширилаётган ислоҳотларимиз, режаларимизнинг самараси тақдири – буларнинг барчаси, авваламбор, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини барчамиз англаб етмоқдамиз” [4.324].

Дастурнинг мақсади, таълим ва тарбия жараёни орқали ёш авлодни юксак маънавий фазилатлар – бағрикенглик, ватанпарварлик, меҳр-оқибат, умуминсоний ва миллий қадриятлар, бунёдкор ғоялар руҳида камол топтириш. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириб бориш орқали баркамол инсон, янгича тафаккурга эга бўлган шахс – юқори малакали кадрлар етиштириш назарда тутилган.

Бугунги кунда кадрлар тайёрлаш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириб боришга – жамиятни янгилаш ва халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратишнинг устувор вазифаси сифатида қаралмоқда.

Юқорида фикрларимизни умумлаштирган ҳолда мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг таркибий қисми бўлган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури изчиллик билан ҳаётга жорий қилиб борилаётганлиги, фаолиятимизнинг самарадорлигидан далолат беради. Кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқариш миллий ва умумбашарий қадриятларни

тиклашга йўналтирилган бўлиб, бу, ўз навбатида, фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришга ва ёшлар сиёсатини ҳаётга татбиқ этишга хизмат қилади.

Яна шуни таъкидлаб ўтишимиз мумкинки, бугунги кунда мамлакатимизда тинчлик ва ижтимоий барқарорлик, осуда ҳаёт ҳукм сураётган даврда, ёшларнинг бунёдкорлик йўлида тинмай изланиш олиб бориш жараёнида дунёвий илмларни пухта эгаллаб боришлари – жамият учун етук кадр бўлиб этишишлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимиз келажагини, равнақини таъминлашда етук кадрлар тайёрлаш, ёш авлоднинг кенг дунёқарашини шакллантиришда таълим-тарбиянинг ўрни катта эканлиги билан аҳамиятлидир.

Етук бўлиш ўз соҳасини билимдони ва эгаси бўлиш билан чегараланмайди. Ватанга, миллатга хизмат қилувчи, унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи ёшларгина муносиб кадр бўла олади. Келажақда етук мутахассис кадрлар бўлиб, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий соҳаларида фаолият кўрсатувчи ёшлар онги ва дунёқарашда ватанпарварлик туйғусини шакллантирмасдан туриб уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириб бўлмайди, деган хулосага келсак бўлади.

Юртимиздаги ижтимоий-сиёсий барқарорликни бузишга қаратилган ахборот хуружлари авж олаётган бир пайтда, ёшлар онги ва қалбига таълим-тарбияни сингдириб боришдек мураккаб ва ўта масъулиятли вазибаларни бажариш орқали Ватанга, миллатга муносиб хизмат қила оладиган етук кадрлар тайёрланади.

Шу муносабат билан тараққиётимизнинг янги босқичида ёшларнинг ғоявий, мафкуравий тарбиясига алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки мафкура инсоннинг вужуди, ақли ва фаолиятини белгиловчи омил, шу жиҳатдан мафкуравий тарбия – ёшларни, Ўзбекистоннинг буюк келажагини барпо қилишда муносиб шахс, комил инсон ва етук кадр қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Мафкуравий тарбия таълим-тарбия тизимининг барча бўғинларида ва йўналишларида амалга оширилади. Ишонч билан айтишимиз мумкинки, халқни буюк

келажак ва улғувор мақсадлар сари бирлаштириш, юксак фазилатли комил инсонларни вояга етказиш, ёшларни ҳар томонлама етук шахс, жамият учун керакли кадр қилиб тарбиялашда таълим-тарбия фавқулодда муҳим роль ўйнайди.

Мустақиллик туфайлигина жамиятда адолат ва ҳақиқат тикланмоқда, халқимизнинг бебаҳо маданий мероси яна ўзига қайтмоқда. Шаклан миллий, мазмунан умуминсоний қадриятларни ўзида мужассамлаштирган халқ анъаналари аجدодларимизнинг диний ва ахлоқий меросидаги бой манбалар жаҳон маданияти хазинасига бебаҳо ҳисса бўлиб қўшилган, унинг кўп томонлари маҳаллий қобикдан чиқиб, халқаро аҳамият касб этмоқда.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, хулосаларимизни қуйидаги тавсиялар билан яқунламоқчимиз:

биринчидан, ёшлар турмуш маданиятини юксалтиришда Ўзбекистон Республикаси “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунни ёшлар онги ва қалбига сингдиришда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишни янада такомиллаштириш;

иккинчидан, таълим-тарбия жараёнида белгиланган миллий ва умуминсоний тамойилларга асосланиш;

учинчидан, ёшлар маданиятини “демократик ниқоб” остидаги ғоявий, мафкуравий ва информацион хуружларга қарши тура оладиган ўзимизга хос бўлган “мафкуравий профилактика” усулларини ишлаб чиқиш;

тўртинчидан, ёшлар маданиятини шакллантирадиган оила муносабатларида маъсулиятлилиқ даражасини ошириш керак, деб ҳисоблаймиз.

Маънавий жиҳатдан яхши таълим-тарбия олган ёшларгина ўз ақли, ўз тафаккури, ўз меҳнати, ўз масъулияти билан онгли равишда мустақил фикрли етук инсон бўлиб яшайди. Бундай ёшлар ва улар қураётган жамиятни, уларнинг маънавий-руҳий муҳитини, сохта ақидалар, ҳавойи шиорлар, маънавий тажовузлар билан асло бузиб бўлмайди. Улар ўзлари танлаган йўлдан, ақл-идрок ва қалб амри билан ҳаётий мақсадлар сари дадил қадам ташлайди.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир.-Т.: Ўзбекистон, 2015.
2. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир.-Т.: Ўзбекистон, 2018.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни. -Т.: Адолат, 2016.
4. Назаров М., Тохиров О. Маънавият – ибрат. –Т.: Минхож, 2000.

(Тақризчи: А. Абдуллаев – фалсафа фанлари доктори, профессор)